O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI


# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2002-yil, 28-iyun • № 27 (3661)


## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА!

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сизларни бугунги қутлуғ байрамингиз - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугун биз матбуотчилар кунини, шу соҳага алоқадор бўлган барча касб эгаларининг байрамини нишонлар эканмиз, бу борада эришган ютуқлар билан бирга, ўз ечимини кутаётган ўта муҳим масалалар тўғрисида, уларни ҳал этиш йўлида қўяётган қадамларимиз ҳақида очиқчасига фикрлашиб олишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу муаммоларнинг муҳимлиги шундаки, улар бизнинг бугунги ҳаётимиз ва келажагимиз билан бевосита боғлиқ бўлиб, жамиятнинг барча соҳаларини демократлаштириш, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият сафидан муносиб ўрин эгаллашида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шулар қаторида энг долзарб вазифа - жамиятимиз ҳаётида сўз эркинлиги тамойилини тўла тадбиқ этиш, бу масалада ривожланган демократик давлатлар эришган даража ва андозаларга етиб боришдан иборатдир.

Ана шундай юксак марраларга эришиш учун кейинги йилларда мамлакатимизда қонунчилик соҳасида ва амалий ҳаётимизда, оммавий ахборот воситалари ва матбаачиликнинг эркин фаолияти учун зарур кафолат ва шароит барпо этиш, журналист кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда.

Лекин, холисона тан олишимиз керак - бу борада амалга оширилган тадбирларга нисбатан ҳали қилиниши лозим бўлган ишларимиз талайгина.

Бу тўғрида гапирганда, бир ҳақиқатни очиқ айтишимиз керак: бугунги кунда бизнинг матбуотимиз, радио ва телевидениемизда кўпроқ ҳаётдаги ижобий ўзгаришлар, эришган ютуқларимизни акс зттириш кўзга ташланади. Бунинг аҳамияти ва муҳимлигини ҳеч ким рад этолмайди, албатта.

Аммо, қўлга киритган марралар билан бир қаторда, қанча-қанча одамларимизнинг норозилигини уйғотаётган, жамиятимизни орқага тортаётган муаммо ва нуқсонлар, йўл қўйилаётган камчилик ва хатолар мавжудлиги ҳақида гапириш ортиқча бўлмайди.

Энг муҳими, жамиятимиз фақат бир хил қарашга, тушунча ва тафаккурга эга бўлган одамлардан иборат, деб ҳисоблаш катта хато бўлур эди.

Шундай экан, ўзимизга бир савол берайлик: мана шундай турли хил қарашлар, ўзаро қарама-қарши бўлган фикрлар матбуотимиз, оммавий ахборот воситаларимиздан ўзига ўрин топаяптими?

Бугун масалани мана шу тарзда қўйиш вақти етди, деб ўйлайман.

Ҳеч кимга сир эмас - бугун бизнинг бу масалада оқсоқлигимизнинг асосий сабабларидан бири - якка мафкура ҳукм сурган мустабид тизимнинг қон-қонимизга, суяк-суякларимизга сингиб кетган асорат ва таъсирлари, оёғимизда кишан бўлиб турган, ҳали-бери ўз кучини сақлаб келаётган эскича қарашлардир.

Ҳозирги замон талаблари барчамиздан бундай эскича фикрлаш таъсиридан халос бўлишни, воз кечишни талаб қилиб, бонг урмоқда.

Халқимизнинг тафаккури ва сиёсий савияси, маданияти тобора ўсиб, жамиятимизда соғлом қарашлар мустаҳкамланиб бораётган ҳозирги шароитда, одамларимиз қанча-қанча машаққатли синовларни, суронли кунларни бошидан ўтказиб, оқни - оқ, қорани - қора деб ажратиш учун етарли тажрибага эга бўлган бир пайтда, ҳеч шубҳа йўқки, ҳаётимизда мавжуд бўлган бошқа фикр ва қарашларни ҳам матбуотимиз саҳифаларида, телевидение экранларида, эфир тўлқинларида акс эттириш ва улардан тегишли хулоса чиқариш вақти келди, деб айтсак, айни муддао бўлади.

Ҳаммамиз шуни чуқур англаб олишимиз керакки, ҳар хил хуфёна гаплар, миш-миш, уйдирма, бўҳтон ва овозалардан фойдаланмасдан, одамлар бундай маълумотлар ва гаплардан матбуот орқали хабардор бўлса, бундан давлат ҳам, жамият ҳам фақат наф кўради. Жамият ҳаётининг томир уришини белгилайдиган матбуот ва ахборот соҳасида шундай сиёсат юритилганда, турли пинҳона хатти-ҳаракатлар учун ҳеч қандай асос қолмайди, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг бугунги ҳаёти, унинг барча қувончли, шу билан бирга, машаққатли, оғир томонлари матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ўзининг қанчалик холисона аксини топса, жамиятимизда шунчалик адолат ва тўғрисўзлик муҳити ҳукмрон бўлади.

Чунки ютуқни - ютуқ, камчиликни - камчилик, жиноятни - жиноят, хиёнатни - хиёнат, деб, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ - том маънодаги демократик жамият матбуотининг ҳақиқий қиёфасини белгилаб беради.

Яна такрорлаб айтаман, бу масала нафақат матбуот, ахборот ва матбаа соҳаси ходимларига, балки жамиятимизнинг барча қатламларига тааллуқли бўлиб, биринчи галда мутасадди ва раҳбар шахсларнинг энг долзарб вазифасидир.

Аммо бу вазифани ечишда аввало матбуотчилар, журналистлар ташаббускор бўлиши, бу ғоят муҳим масалани доимо диққат марказида тутиши зарур, деб ўйлайман.

Мен, бугунги имкониятдан фойдаланиб, журналистларимизнинг мураккаб ва машаққатли меҳнатини эътироф этган ҳолда, уларнинг катта билим, тажриба ва малака талаб қиладиган шарафли касби ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни ўринли, деб биламан.

Чунки доимо эл-юрт дарду ташвишлари билан яшаш, адолат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишларига қарши, жамиятимизда, ҳаётимизда учраб турадиган мансабдорларнинг ўз вазифасини суиистеъмол қилиши, тўрачилик, беғамлик, лоқайдлик ва бепарволик ҳолатларига қарши курашиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди.

Сиёсат ҳақида гапирганда - сиёсатчи, иқтисодиёт ҳақида - иқтисодчи бўлиб фикр юритишни, маънавият ва маърифат ҳақида маърифатчи, ҳаётий-фалсафий муаммолар хусусида файласуф бўлиб баҳсга киришишни - мана шундай юксак қобилият ва маҳоратга эга бўлишни ҳаётнинг ўзи журналистларимиз олдига энг муҳим вазифа қилиб қўймоқда.

Мен халқимизнинг азалий орзу-умидлари, асрлар давомида интилиб келган эзгу мақсадлари рўёбга чиқаётган ҳозирги кунларда юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга оширишда жонкуяр ва фидойи журналистларимиз жамиятимизнинг суянчи ва таянчи бўладилар, деб қатъий ишонаман.

Сизларни бугунги байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ижодий ютуқлар, омад ва бахту саодат тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## ЖУРНАЛИСТЛАР БАЙРАМИ

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ўзгаришлар, демократик тамойилларни шакллантиришдек улуғвор ишларнинг фаол иштирокчиси, одамларимизни эркин фикрлашга ўргатадиган ва маънавий уйғоқликка даъват этадиган доимий ҳамроҳимизга айланаётир. Бунинг замирида, шубҳасиз, журналистларимизнинг ўз касбига меҳр ва садоқати, оғир ва сермашаққат меҳнати мужассамдир.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги сўлим боғида 27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унда журналистлар ва матбаачилар, турли вазирлик, қўмита, муассаса, идоралар вакиллари, газетхонлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Байрамда сўзга чиққанлар матбуот ва оммавий ахборот воситалари миллий истиқлол ғояларини кенг тарғиб этиш, халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати, орзу интилишларини кенг акс эттириш, мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳада юз бераётган ўзгаришлар, ислоҳотлар жараёнини ҳаққоний ва тезкор ёритиш борасида журналистлар олдида турган масъулиятли вазифалар ҳақида гапирдилар. Доимий эътибори, самимий истаклари учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Президентимиз табригида таъкидланганидек, журналистларимиз ҳаётнинг олдинги сафларида юриши, мамлакатимиз ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишида, жамоатчиликни ўйлантириб турган мураккаб саволларга жавоб топишда кўмакдош бўлмоғи лозим.

Юртбошимизнинг оммавий ахборот воситаларини демократлаштиришни янада кучайтириш, улар саҳифасидан жамиятдаги мавжуд турлича қарашларга кенг ўрин бериш, ҳаёт ўзгаришларини холис ва ҳаққоний ёритишда жамиятимиз суянчи ва таянчи бўлиш борасидаги фикрлари республика қалам аҳлини янги ижодий изланишларга даъват этади. Тадбирда Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан эълон қилинган «Йилнинг энг яхши журналисти - 2001» танловининг ғолиби ва совриндорларига мукофотлар топширилди.

Таниқли санъаткорларнинг катта концерт дастури байрамга ўзгача файз ва шукуҳ бағишлади. Тадбир доирасида журналистлар ўртасида турли мусобақалар бўлиб ўтди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## КОНСЕРВАТОРИЯ МЕҲМОНЛАРИ

Яқинда мамлакатимизда АҚШдаги йирик матбуот нашрларининг бир гуруҳ таниқли журналистлари меҳмон бўлди. Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари, музейлар ва ўқув юртларида бўлган меҳмонлар Ўзбекистон Давлат консерваториясига ҳам ташриф буюрдилар. Улар аввало Консерваториянинг муҳташам янги биноси, унинг концерт залларини мароқ билан томоша қилдилар. Консерватория ректори, Маданият ишлари вазири ўринбосари Б.Қурбонов уларни янги бинода мусиқа таълимининг ташкил этилиш жараёнлари билан таништирди. Шундан сўнг америкалик журналистлар билан бўлиб ўтган қисқа суҳбат чоғида Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Эрназаров, Ўзбекистон халқ артисти, Маданият ишлари вазири ўринбосари Фаррух Зокиров меҳмонларни қизиқтирган кўпдан-кўп саволларга жавоб беришиб, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида миллий маданиятни шакллантириш ва янги босқичга кўтариш, мусиқий таълим тизимини равнақ топтириш, эстрада санъатини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва айни чоғда жаҳоннинг йирик санъат фестивалларида ўзбек миллий санъати довруғини оламга ёяётган ёш истеъдод эгаларининг муваффақиятлари ҳақида сўзлаб бердилар.


**Бу сонда:**

НАФОСАТ ТАРБИЯСИ → 2



МАНГУ ЛАҲЗАЛАР ОШИҒИ

СЕНИ ХАЁЛИМДА КЕЛДИМ КЎТАРИБ → 3



АШАДДИЙ ИШҚИБОЗ → 4


## МАДАНИЙ ҲАЁТ

“Ўзбекистон қўшиқ байрами” танлови якуний босқичга кирмоқда. Барча вилоятлар ва соҳалар бўйича бўлиб ўтган танловларда ғолиблар аниқланди. Яқинда “Туркистон” саройида “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси қўламида ҳам танловнинг якуний босқичи бўлди.

Бу тадбирда хушовоз хонанда Аброр Парпиев “Она” (В.Луқмон шеъри, З.Муллажонов мусиқаси) қўшиғи билан биринчи ўринни эгаллади.

* * *

Мамлакатимиз журналистларининг касб байрамлари арафасида газета-журналлар, радио-телевидениеда фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ журналистлар, таниқли рассомлар Бадиий академияга таклиф этилдилар. Академия раиси Турсунали Кўзиев журналистлар ва рассомлар ўртасидаги ижодий алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари хусусида сўз юритди. Қалам аҳлларини касб байрамлари билан қутлаб, тасвирий санъат масалаларини оммавий ахборот воситаларида фаол тарғиб этаётган бир гуруҳ журналистларга Бадиий академиянинг совғаларини топширди.

**Ф.АҲРОРОВ**

* * *

Жанубий Кореянинг Дейжон шаҳрида ўтказилган халқаро қўғирчоқ театрлари фестивалида республикамиз қўғирчоқ театри ҳамда Самарқанд вилояти қўғирчоқ театри жамоалари муваффақиятли иштирок этди. Карнай-сурнай, доира садолари остида намойиш этилган тўй маросими, миллий рақс, хўроз уриштириш каби томошалар кореялик болаларга жуда манзур бўлди.

**Э.ҚУРБОНОВ**

## “ВАТАНПАРВАР” — ЎН ЁШДА

Куни кеча Офицерлар марказий саройида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги бош нашри "Ватанпарвар" газетасининг ўн йиллиги муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

Кечани Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник Маннобжон Аҳмедов очди.

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси, "Матбуот" журналининг бош муҳаррири Хуршидҳамедов, Мудофаа вазирлиги тарбиявий ишлар бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник Фёдор Григоревич Банинлар сўзга чиқиб, "Ватанпарвар" газетасининг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ўрни ҳақида гапирдилар.

Ф.Г.Банин Мудофаа вазирининг газетани нашр этиш ишида намуна кўрсатган таҳририят, нашриёт ва босмахона ходимларидан бир гуруҳини тақдирлаш тўғрисидаги буйруғини ўқиб эшиттирди.

Кечанинг охирида санъаткорлар ижросида куй-қўшиқлар янгради.

**Б.МАМАДИЕВ**



Терак уларида жилваланар нур...

## АБАДИЙ УЙҒОҚ ЧАШМА



Аввал хабар берганимиздек, 20-22 июн кунлари Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида фолклор-этнографик жамоаларнинг анъанавий олтинчи республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистондан келган бадиий жамоалар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

20 июн эрта тонгданоқ Китобнинг хушманзара боғи байрамона тусга кирди. Унга кираверишда танлов иштирокчиларини мезбонлар куй-қўшиқлар билан кутиб олдилар. Момолар ва дилбар қизлар қўлида сайқал топган чиройли гиламлар, палаклару кашталар — халқ ҳунармандчилиги кўргазмаси ҳам боққа ўзгача чирой бахш этган.

Анжуманни Китоб тумани ҳокими Сайфулла Азизов очиб, кўрик-танловнинг мақсади ҳақида сўзлади ва унинг қатнашчиларини туман меҳнаткашлари номидан самимий қутлади. Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Назар Ҳакимов бундай тадбирлар миллий қадриятларимизнинг тикланиши ва янада шаклланишига муайян даражада ҳисса қўшишини алоҳида таъкидлади.

— Мустақиллик даврида халқимизнинг бебаҳо миллий санъати равнақ топаётганини бутун дунё эътироф этмоқда, — деди ўз сўзида Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Эрназаров. — Яқинда Бойсунда бўлиб ўтган халқаро фолклор фестивали бунинг ёрқин далили бўлди. Қашқадарёда ўтаётган фолклор - этнографик жамоаларининг кўрик-танлови эса бу анжуманнинг ўзига хос даражадаги давомидир.

Китоб шаҳри марказидаги хушҳаво Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи кўрик-танловнинг асосий қароргоҳи бўлди. Жамоаларнинг чиқишларини санъатшунослик доктори, профессор Тўхтасин Ғафурбеков бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Ҳар бир вилоят жамоаси намойиш этган урф-одатлар, маросимлар, удумлар, ижро этган қўшиқлар ўзига хослиги билан ажралиб турди.



Биринчи бўлиб саҳнага чиққан Ургут тумани "Бешқарсак" жамоаси дейсизми ёки Охунбобоев туманининг "Кабутар" жамоаси дейсизми, ҳар бири ўзига хос бир оламдек. Фолклоршунос олим Маматқул Жўраев бу жамоалар санъати ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, шундай деди:

— Қувонарли томони шундаки, фолклор-этнографик ансамбллари мавжуд қўшиқларнинг шунчаки ижрочиси бўлиб қолмасдан, улар халқ қўшиқларини ўзлари излаб топиб қайта тиклаяптилар. Масалан, самарқандликлар суннат тўйи маросимларини қойиллатиб ижро этдилар. Уларнинг "Кес-кес", "Ҳуйда-ҳуйда", "Кишта-кишта" каби қўшиқлари ҳам анча қадимийдир. Ғаллаоролнинг "Гаштак" жамоаси никоҳ тўйида бўладиган "тўққиз товоқ" маросимини намойиш этди. Тўққиз хил таом тўққиз шеър билан таърифланди. Бошқа жойларда ҳам бу маросим бор, лекин ҳозирда уларнинг фақат номи қолган.

Бухоронинг "Қасри орифон" жамоаси эса ўтган асрнинг 30-40 йилларидан кейин унутилиб кетган "Қизил гул сайри" маросимини гўзал тарзда қайта тиклаб кўрсатдилар. Бу маросим ҳазрат Баҳоуддин қишлоғида қадимдан ўтказиб келинган. Агар тикланган ва тикланаётган қадимий қўшиқларимизни тўплаб нашр эттирсак, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Қарши туманининг "Ҳилола" жамоаси чиқишлари ҳам анжуман аҳлини хушнуд этди. Айниқса, дастурга мос либослар топилгани қўшиқлар жозибасини янада оширган. Мазкур жамоанинг бадиий раҳбари Нортожи Ғаниева ижодий изланишлари хусусида шундай деди:

— Жамоамиз ижросидаги "Бешқарсак", "Бир оёқда ўйин", "Пичоқ ўйини", "Ликопча ўйини", "Бир тиззада ўйнаш" каби ўйин, лапар ва айтишувлар кўпчиликка манзур бўлмоқда. Биз кийим танлашда боболаримиз ва момоларимиз бисотига суяндик.

Андижоннинг "Бедана" жамоаси "Чиллак ўйин", "Бола беркитди", Навоийнинг "Ёр-ёр" жамоаси "Урчуқ йигириш", Сурхондарёнинг "Шаршара" жамоаси "Жуфт ва тоқ", "Дўл-дўл", "Беш тош" ўйинлари ва Хоразмнинг "Шодиёна" жамоаси яна шундай кўпдан-кўп урф-одатларимизни жуда гўзал тарзда намойиш этдилар.

Ўн беш йилдан буён фолклор жамолари билан иш олиб бораётган Ойхон Ёқубова тадбир ҳақида шундай деди:

— Бугунги кўрик-танлов фолклор жамоларининг дастурлари ҳар жиҳатдан янгиланаётганини яққол кўрсатди. Илгари худди шу жамоалар байрамлар ва танловларда бир хил чиқишарди. Ҳозир эса дастурларда жиддий ўзгаришлар бор. Ҳар бир жамоа бир-биридан ўтаман, деб турибди.

Ойхон опанинг бу фикрига қўшиламиз. Айниқса, жамоалардаги ёшаришни алоҳида таъкидлаш зарур.

**Давоми иккинчи бетда**

**Баҳодир САРИМСОҚОВ**

## АБСУРД МАЪНИСИЗЛИКДИР

*Танқидни танқид*

Бугунги ижодкор ўз ҳақиқатини топишга, уни муқобил бадиий шаклларда ифодалашга интилмоқда. Одатда, кўнгилдаги ҳақиқатни халқ дилидаги ҳақиқат билан уйғунлаштириш, аниқроғи, ижтимоий ҳақиқат оқимидан ўз ҳақиқатини топиш ва уни бадиий-фалсафий талқин этиш тўлғоғи қийин кечади. Шу боис, турли жанрларда, айниқса, романчиликда тажрибалар қилиш бадиий ижоднинг бош тамойилига айланиб бормоқда. Бу эса яхши тамойил. Чунки ҳар бир тажриба янги бир адабий ҳодисанинг дояси бўлиши мумкин. Мана шунинг учун янги асар яратиш азоби оғир ва долғали кечади. Бугун ёзилаётган асарлар поэтик табиати, ғоявий мундарижаси билан ўқувчини ўйлантирмоқда. Бунга рамзий-фалсафий талқиннинг юксаклиги, мажозий тасвир жонлилиги, эркин хаёлот парвозининг мантиқ аталмиш шафқатсиз мезонга бўйсунмас даражада сарҳад билмаслиги яратилаётган асарларнинг турфа хил таҳлилу талқин қилинишига сабаб бўлмоқда. Бундай талқинлар баъзан кишида ҳайрат ва ифтихор туйғуларини уйғотиб, тафаккур учқунларини алангалатса, баъзан ҳафсалани пир қилади. Бу ҳам табиий ҳол. Чунки ҳаётнинг ўзи минглаб жилвалари билан инсон руҳиятига минг турли таъсир кўрсатади. Демак, адабиёт реал ҳаётга, инсон руҳиятининг энг чуқур, энг қоронғу гўшаларига илдамроқ кириб бораяпти.

Ғарб романчилиги уч аср мобайнида босиб ўтган йўлни ўзбек романчилиги бир асрда босиб ўтди, десам муболаға бўлмайди. Ҳозирги миллий романимиз мавзу кўлами, ички ҳиллари, тузилиши ва поэтикаси билан жанр табиатини ўзгартириб юбориш даражасига етиб бордики, ушбу муаммо жиддий ўрганилиши лозим.

Адабий жараёндаги жонланиш адабиётшуносликка ҳам таъсирини ўтказаётгани сир эмас. Кейинги йиллар ўзбек романи табиатида юз бераётган ҳар бир ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида куюнчаклик билан ёзаётган олимларимиз сафи ҳам тобора кенгаймоқда. Шу ўринда мен уларнинг олдинги сафида бораётган таниқли танқидчи-адабиётшунос Умарали Норматовнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида қайд этишни истар эдим. У Республикадаги йирик ва обрўли журнал, газеталарда кетма-кет, бир-биридан мазмунли чиқишлари билан илмий-танқидий фикр тараққиётига салмоқли ҳисса қўшаяпти. Лекин менинг мақсадим домланинг айрим мақолаларидаги мулоҳазаларига ўзимнинг холис муносабатимни билдириш, ўрни келса, андак баҳслашиш.

Албатта, мен баҳслашмоқчи бўлган масалалар ҳақида умуман тўхталмаслик ҳам мумкин эди, бироқ қуйидаги икки жиҳат хусусида тўхтамасдан иложим йўқ. Биринчиси, ўзбек бадиий тафаккур тарзида У.Норматов урғу бераётган абсурд каби тушунчалар азалдан бормиди ёки энди пайдо бўлдими, ана шу ҳақиқатни аниқлаш иштиёқи. Иккинчиси, ғайриилмий талқинлар китобхонни, айниқса, адабиётшуносликдан таълим олаётган талабалар, тадқиқотлар олиб бораётган магистрант ҳамда аспиратлар онгида чалкаш тасаввур қолдирмаслиги ташвиши.

**Давоми учинчи бетда**

